

Малайзия Ўзбекистоннинг исломий меросини ўрганади



10:00 / 07.06.2020 1195

Ўзбекистоннинг диний тадқиқот муассасалари Малайзия Исламий Даъват Институти (IKIM) билан ҳамкорлик шартномасини имзолади. Бу ҳақда Ўзбекистон [ТИБ матбуот хизмати хабар берди.](#)

Ўзбекистон Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси Малайзия Исламий Даъват институти билан ҳамкорлик шартномасини имзолади. Томонлар исломий меросни биргаликда ўрганишга, қўшма конференциялар, семинарлар ва Ўзбекистонда сақланаётган қадимий қўлёзмалар бўйича тадқиқотлар ўтказишга, шунингдек, маърифий исломни ўрганишга келишиб олдилар.

Малайзия Исламий Даъват институти раиси Аҳмад Саржи Ўзбекистон Малайзия илмий ва академик ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотишини таъкидлади. Ўзбекистонда сақланаётган 100 мингта қадимий ва ноёб қўлёзмаларни ўрганиш имконияти ҳақиқий исломни яхшироқ англашга имкон беради.